

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМий-АМАЛИЙ ХИРУРГИЯ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМий-АМАЛИЙ ХИРУРГИЯ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ
С.Д.АСФЕНДИЯРОВ НОМИДАГИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ ТИББИЕТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ИСМАИЛОВ ЕРКИНБЕК ЛЕСБЕКОВИЧ

**ЎТКИР ЖИГАР ЕТИШМОВЧИЛИГИДА ЭКСТРАКОРПОРАЛ
ОРГАНЛАРНИ КОМПЛЕКС АЛМАШТИРИШНИНГ КЛИНИК ВА
ПАТОГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.32 – Трансплантология ва сунъий аъзолар

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Исмаилов Еркинбек Лесбекович

Ўткир жигар етишмовчилигида экстракорпорал органларни
комплекс алмаштиришнинг клиник ва патогенетик жиҳатлари 3

Исмаилов Еркинбек Лесбекович

Клинико-патогенетические аспекты комплексного
экстракорпорального органозамещения при острой печеночной
недостаточности 29

Ismailov Erkinbek Lesbekovich

Clinical and pathogenetic aspects of complex extracorporeal organ
replacement in acute liver failure 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ХИРУРГИЯ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ХИРУРГИЯ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ
С.Д.АСФЕНДИЯРОВ НОМИДАГИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ ТИББИЕТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ИСМАИЛОВ ЕРКИНБЕК ЛЕСБЕКОВИЧ

**ЎТКИР ЖИГАР ЕТИШМОВЧИЛИГИДА ЭКСТРАКОРПОРАЛ
ОРГАНЛАРНИ КОМПЛЕКС АЛМАШТИРИШНИНГ КЛИНИК ВА
ПАТОГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.32 – Трансплантология ва сунъий аъзолар

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик диссертацияси мавзуси (DSc) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Tib471 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия тиббиёт маркази ва С.Д.Асфендияров номидаги қозоқ миллий тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|---|
| Илмий маслаҳатчи: | Ибадов Равшан Алиевич тиббиёт фанлари доктори, професор |
| Расмий оппонентлар: | Султаналиев Токан Анарбекович тиббиёт фанлари доктори, профессор Сатвалдиева Эльмира Саматовна тиббиёт фанлари доктори, профессор Хакимов Мурод Шавкатович тиббиёт фанлари доктори, профессор |
| Етакчи ташкилот: | Академик М.А.Топчубашев номидаги хирургия илмий маркази (Озарбайжон Республикаси) |

Диссертация ҳимояси академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Докторлик диссертацияси билан академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (121-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент ш., Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ даги ___-рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.В. Девятков

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ўткир жигар етишмовчилиги (ЎЖЕ) ўлим даражаси юқори бўлган энг мураккаб оғир ҳолатлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ушбу аломат мажмуининг иккита типи аниқланган: “илгари жигар касалликлари мавжуд бўлмайдиган жигар функциясининг тез суръатларда ёмонлашуви оқибатидаги ЎЖЕ - Acute liver failure (ALF) ва сурункали диффуз жигар патологиясининг терминал босқичи ҳолатида ривожланган ЎЖЕ - Acute-on-chronic liver failure (ACLF)”.¹ Жигар функциясининг сурункали декомпенсациясидан фарқли ўлароқ, хусусан, жигар циррози ҳолатида, “ЎЖЕда уч ойлик ўлим даражаси 5-14% дан 22-79% гача кўтарилади”.² Мос равишда бир қатор ҳолатларда даволанишнинг ягона усули бўлиб фақат жигарни шошилиш кўчириб ўтказиш қолади, мурда аъзоси трансплантацияси дастурининг ривожланишига қарамай донор аъзолар билан паст даражада таъминланганлик ёки қариндошлар ўртасида трансплантация учун имкониятнинг йўқлиги туфайли уни бажариш сезиларли даражада чекланиши мумкин. ЎЖЕ намоён бўлиш эҳтимолининг юқорилиги билан бир неча аъзоларнинг дисфункцияси ноҳуш оқибатларининг юқори эҳтимоли шароитида “жадал муолажалар мажмуига гепатоцитлар функциясини вақтинча ўрнини босишни таъминлайдиган турли ёрдамчи усулларни киритиш долзарблиги ўсиб боради, уларнинг самараси эса ЎЖЕ тўлиқ тузатишга ҳамда асосий патологик жараён ривожланишини қайтариб бўлмайдиган ҳолатларида жигар трансплантациясини кутиш босқичини узайтиришга қаратилган бўлиши мумкин”.³ Сўнгги йигирма йил ичида самараси тасдиқланган жигарни сунъий қўллаб-қувватловчи бир нечта тизимлар жорий этилди. Аммо, протезлаш усули, жигарни сунъий қўллаб-қувватлашнинг бошланиш муддатлари ва босқичлари бўйича ягона, аниқ тавсиялар мавжуд эмаслиги омили ЎЖЕ бўлган беморларни даволаш самарадорлигини яхшилашни ўта долзарб муаммолар жумласида сақлаб қолимоқда.

Жаҳон амалиётида гепатоцитларнинг турли функцияларига нисбатан экстракорпорал қўллаб-қувватлаш усулларининг ўзига хос таъсирини аниқлаш билан ЎЖЕ ривожланишининг патогенетик жиҳатларини ўрганишга қаратилган бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бир неча функционал аъзолар дисфункциясининг прогностик аҳамиятини, некротик жараёнлар фаоллик даражасининг намоён бўлиш динамикасини ва шунга мос равишда жигар ҳужайраларининг қайта тикланиш тизими фаоллигини ҳисобга олган ҳолда протезлашнинг мақбул вариантини қабул қилиш учун рандомлаштирилган бошқариладиган тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Иммуни тизими, хусусан, комплемент тизимининг ўзига хос фаоллашувининг тутган ўрнини ўрганиш, турли хил интерлейкинларнинг экспрессияси,

¹Larsen FS. Artificial liver support in acute and acute-on-chronic liver failure. *Curr Opin Crit Care*. 2019;25(2):187-191.

² Triantafyllou E, Woollard KJ, McPhail MJW, Antoniadou CG, Possamai LA. The Role of Monocytes and Macrophages in Acute and Acute-on-Chronic Liver Failure. *Front Immunol*. 2018 Dec 14;9:2948.

³ Ramzan M, Iqbal A, Murtaza HG, Javed N, Rasheed G, Bano K. Comparison of CLIF-C ACLF Score and MELD Score in Predicting ICU Mortality in Patients with Acute-On-Chronic Liver Failure. *Cureus*. 2020;12(2):e7087.

шунингдек, асос ҳужайралардан фойдаланган ҳолда жигар тўқималарининг қайта тикланиш жараёнларини кучайтириш имкониятларини экспериментал тадқиқ қилиш масаласи алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Республикамиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ЎЖЕ бўлган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Ушбу йўналишда, хусусан, жигар фаолиятини экстракорпорал кўллаб-қувватлашнинг турли усулларини ўз ичига олган жадал муолажалар сифатини яхшилашда ижобий натижаларга эришилди. Шу билан бирга, тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун турли типдаги ЎЖЕда гепатоцитлар функциясини протезлаш самарадорлигини ҳар тарафлама баҳолаш бўйича илмий асосланган натижалар талаб қилинади. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясига аҳолининг заиф тоифаларига, уларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича вазифалар киритилган.⁴ Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан жигар функциясини комплекс протезлашга нисбатан услубий ёндашувларни такомиллаштириш орқали келиб чиқиши турлича бўлган ўткир жигар етишмовчилиги мавжуд беморларни даволаш натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 — 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг “Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида”ги 2017 йил 10 майдаги 266-сонли қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқланган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. ЎЖЕ бўлган беморларга кўрсатилаётган юқори технологик тиббий ёрдам сифатини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлари томонидан, шу жумладан Division of Gastroenterology and Hepatology, Rutgers New Jersey Medical School (Newark, USA), Division of Transplantation and Hepatobiliary Diseases, Lahey

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами.

Hospital and Medical Center (Burlington, USA), Service de Réanimation Médicale, Hôpital de Hautepierre, Hôpitaux Universitaires de Strasbourg (France), Department of Hepatology, Rigshospitalet, Copenhagen University Hospital (Copenhagen, Denmark), Intensive Care Unit, Geneva University Hospitals (Geneva, Switzerland), Critical Care, Shifa International Hospital (Islamabad, PAK), National University Health System (Singapore), Department of Hepatology, Institute of Liver and Biliary Sciences (New Delhi, India), Department of Internal Medicine, Hallym University College of Medicine (Seoul, South Korea), Translational Hepatology Institute Capital Medical University, Beijing You'an Hospital (Beijing, China), Department of Medicine, Hospital Selayang (Selangor, Malaysia), Department of Medicine, Ankara University School of Medicine (Ankara, Turkey), С.Д.Асфендияров номидаги Қозоқ миллий тиббиёт университетида (Олма-ота, Қозоғистон) ва Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ (Тошкент, Ўзбекистон) олиб борилган.

Жигар функциясини комплекс протезлашга нисбатан услубий ёндашувларни такомиллаштириш орқали ЎЖЕ бўлган беморларни даволаш натижаларини яхшилаш бўйича дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида турли хил ечимлар таклиф қилинган, шу жумладан: ЎЖЕ нинг барча вариантлари учун умумий хусусият бўлиб даражаси жигарнинг қайта тикланиш хоссасидан ошиб кетган жигар-хужайра функциясини йўқотиш ҳисобланади, гепатоцитларнинг нобул бўлиши эса нафақат синтетик дисфункциянинг ўзига хос кўринишларини ривожланишига олиб келади, балки кучли туғма иммун жавобини келтириб чиқаради (Division of Integrative Systems Medicine and Digestive Disease, Imperial College London, London, United Kingdom); ҳозирги вақтда жигар трансплантацияси ЎЖЕ даволашда олтин стандарт эканлиги аниқланди, аммо аъзолар етишмаслиги оқибатида бошқа даволаш усуллари, шу жумладан жигар функциясини экстракорпорал протезлашнинг турли усуллари, гепатоцитлар ва асос хужайраларини трансплантациясини ўтказиш талаб этилади (Division of Gastroenterology and Hepatology, Rutgers New Jersey Medical School, Newark, USA); Жигар функциясини протезлашнинг сунъий усуллари орасида қайталанувчи молекуляр адсорбция тизими - баъзи захарли бирикмалардан самарали тозаловчи ва клиник ҳамда биокимёвий кўрсаткичларнинг сезиларли яхшиланишига олиб келадиган гемодиофилтрация (Molecular adsorbent recirculating system, MARS), альбумин воситасидаги усул энг кўп ўрганилганлиги аниқланди, аммо ушбу усулнинг афзалликлари ҳали ҳам тўлиқ исботланмаган (MARS ва плазмаферез каби жигар функциясини кўллаб-қувватловчи тизимларни кўллаш тизимли гемодинамикани ва энцефалопатия даражасини вақтинча яхшилаши мумкинлиги аниқланди, шу билан бирга, ЎЖЕ бўлган беморларда омон қолиш нуктаи-назаридан ушбу усулларнинг аҳамияти номаълум бўлиб қолмоқда (Department of Hepatology, Rigshospitalet, Copenhagen University Hospital, Copenhagen, Denmark); жигарни сунъий кўллаб-қувватлашни бошлашнинг самарали усуллари ва муддатлари тўғрисида ҳозирги пайтда аниқ тавсиялар мавжуд эмаслиги, ушбу тизимлардан фойдаланишнинг келажак истикболлари кўп жиҳатдан кейинги

клиник тадқиқотлар натижаларига боғлиқ эканлиги аниқланди (Intensive Care Unit, Geneva University Hospitals, Geneva, Switzerland).

Ҳозирги вақтда дунёда оғир ўткир гепатоцеллюляр етишмовчилиги бўлган беморларни даволаш натижаларини яхшилаш бўйича тадқиқотлар давом этмоқда. Беморларнинг ушбу контингентининг муттасил ўсиши, даволаш тактикаси масалаларида ёндашувларнинг бир хил эмаслиги ва даволашнинг қониқарсиз натижалари жигар функциясини экстракорпорал қўллаб-қувватлашнинг замонавий усуллари имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ушбу патологиянинг клиник жиҳатларини янада ривожлантириш заруратини белгилаб беради. Гепатоцитлар асосий функцияларини сунъий қўллаб-қувватлаш технологияларининг ривожланиши, жадал мулоажа ва реаниматологиянинг замонавий ютуқлари декомпенсацияланган ЎЖЕ бўлган беморларни даволаш муаммосини янгича қараш билан ўрганишга имкон беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда “European Association for the Study of the Liver (EASL)” тадқиқот маълумотларига кўра ўткир (яшин тезлигидаги) жигар етишмовчилигини даволаш бўйича “ўткир жигар етишмовчилиги (ALF)” атамасини тез-тез жигар дисфункциясининг ҳар қандай тез ривожланаётган эпизодларини талқин этиш учун ишлатишади. Аммо, амалий гепатологияда ушбу ҳолатга “олдиндан сурункали касалланмасдан ва жигар этиологиясининг коагулопатияси ва жигар энцефалопатияси туфайли онг даражасининг яққол пасайиши билан кечадиган жигар функцияси биокимёвий кўрсаткичларининг тўсатдан ёмонлашуви билан тавсифланган “қатъий муайян камдан-кам учрайдиган синдром” деб номланади.⁵ Ўз навбатида, сурункали диффуз жигар патологиясининг терминал босқичи ҳолатида ривожланган ЎЖЕ - Acute-on-chronic liver failure (ACLF) деб таърифланди. ЎЖЕ ривожланишининг бундай вариантларга бўлиниши жигарни ўрганиш бўйича Осиё-Тинч океани ассоциацияси (APASL) ишчи гуруҳи раҳнамолигида EASL олимлари билан ҳамкорликда ўтказилган бир нечта истиқболли тадқиқотлар натижаларини баҳолашдан сўнггина кенг миқёсда маъқулланди. Европа Иттифоқи мамлакатларида ЎЖЕ нинг частотаси ва тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар ҳозирга қадар қайд этилмайди. Шу билан бирга, ортотопик жигар трансплантацияси (ОЖТ) тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, “ЎЖЕ ОЖТ учун фақат 8% ҳолларда асосий кўрсаткич ҳисобланади, шундан 19% ҳолларда ЎЖЕ сабаби вирусли инфекция, 18% да - дори воситаларидан зарарланиш, 4% - токсик зарарланиш, 3% да - жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар ва жароҳатлар, 56% да - бошқа, шу жумладан “аниқланмаган” сабаблар ҳисобланади⁶. Ушбу вазиятда замонавий гепатологиянинг эришган ютуқлари ҳозирга қадар ЎЖЕ ўлим кўрсаткичларини сезиларли даражада камайтиришга имкон бермади. “Ҳатто ривожланган трансплантация хизмати ва жадал

⁵ European Association for the Study of the Liver. Clinical practice guidelines panel, Wendon, J. EASL Governing Board representative, Bernardi M. EASL Clinical Practical Guidelines on the management of acute (fulminant) liver failure. J Hepatol. 2017;66(5):1047-1081.

⁶ Germani G, Theocharidou E, Adam R et al. Liver transplantation for acute liver failure in Europe: outcomes over 20 years from the ELTR database. J Hepatol. 2012 Aug;57(2):288-96.

муолажалар имкониятлари билан ҳам, ушбу асорат келтириб чиқарадиган ўлим ҳолатлари 50-90% га етиши мумкин.”^{7,8}

Бугунги кунга келиб жигарни ўрганиш бўйича етакчи ассоциациялар EASL (2017) ва APASL (2019) ЎЖЕ муолажаларининг асосий мақсадлари куйидагилардан иборат эканлигида яқдиллар: жигар функциясини сақлаб туриш, жигардан ташқари иккиламчи асоратларнинг ривожланишини олдини олиш ёки камайтиришдир, асосий вазифалардан бири деб эса мурданинг ёки қариндошга тегишли жигар бўлакчасини трансплантация қилиш йўли билан аъзони тўлиқ ўрнини қоплаш ёки гепатоцитлар функциясини вақтинча протезлаш учун шароит яратиш имкониятини ҳисоблаш мумкин.⁹ Олинган дастлабки ижобий натижалар жигарни қўллаб-қувватлашнинг экстракорпорал тизимларининг турли вариантларини яратишга туртки берди.¹⁰ Масалан, гемодиализ буйракнинг нормал ишлашининг асосий механизмларини - филтрлаш ва реабсорбцияни моделлаштиради, бу эса сувда эрувчан моддаларнинг чиқарилишини таъминлайди. Аммо, беморларнинг 85 фоизда энцефалопатия даражасининг пасайишига олиб келувчи қондаги аммиакнинг пасайишига қарамай, барибир тирик қолиш даражаси ошмади, бу W.Laleman ва ҳаммуалифлар (2012) фикрига кўра, фақат кичик молекуляр оғирликка эга сувда эрийдиган токсинларни олиб ташлаш билан боғлиқ.¹¹ Кейинчалик, филтрация мембранасининг янги авлодидан фойдаланиш усулни маълум клиник ҳолатларда танлов сифатида қолдириб, умидвор натижалар берди. Бугунги кунга келиб, ЎЖЕ даволашда MARS, SPAD (Single-Pass Albumin Dialysis) ва FPSA ёки Prometheus (фракцияланган плазманинг ажралиши ва адсорбцияси) кенг қўламда қўлланилмоқда. Қўллаб тадқиқотларда таъкидланишича, илк MARS процедуралари ушбу усулнинг ноёб хусусиятларини намоён этди. Беморларнинг аксариятида ЖЭ пасайиши, билирубин даражасининг пасайиши, коагулограмма параметрларининг ижобий динамикаси ва гемодинамиканинг барқарорлашуви қайд этилган. Кейинчалик нисбатан мураккаб қурилмаларга муқобил сифатида SPAD тизими ишлаб чиқилди. Бу ҳар қандай жадал муолажалар бўлинмасида қўллаш мумкин бўлган сунъий жигар учун энг оддий қурилма. Шунга қарамай, шуни ҳам таъкидлаш керакки, ушбу тизимлардан фойдаланишнинг умидвор натижаларига қарамай, жигарни сунъий қўллаб-қувватлаш самарадорлиги жигар етишмовчилигининг оғирлигига боғлиқми ёки ушбу даволанишнинг жадаллигига боғлиқми, ёки уларнинг комплекс қўлланилишига боғлиқми, -

⁷ Mendizabal M, Silva MO. Liver transplantation in acute liver failure: A challenging scenario. *World J Gastroenterol*. 2016 Jan 28;22(4):1523-31. doi: 10.3748/wjg.v22.i4.1523.

⁸ Blasco-Algora S, Masegosa-Ataz J, Gutiérrez-García ML, et al.. Acute-on-chronic liver failure: Pathogenesis, prognostic factors and management. *World J Gastroenterol*. 2015 Nov 14;21(42):12125-40.

⁹ Patel P, Okoronkwo N, Pырsopoulos NT. Future Approaches and Therapeutic Modalities for Acute Liver Failure. *Clin Liver Dis*. 2018 May;22(2):419-427. doi: 10.1016/j.cld.2018.01.011.

¹⁰ Karvellas CJ, Stravitz RT, Fontana RJ, Ganger D, Lee WM; US Acute Liver Failure Study Group. Comment on: MARS System Effectively Replaces Hepatic Function in Severe Acute Liver Failure. *Ann Surg*. 2018;268(6):63-64.

¹¹ Laleman W, Verbeke L, Meersseman P, Wauters J, van Pelt J, Cassiman D, Wilmer A, Verslype C, Nevens F. Acute-on-chronic liver failure: current concepts on definition, pathogenesis, clinical manifestations and potential therapeutic interventions. *Expert Rev Gastroenterol Hepatol*. 2011;5:523-537. doi: 10.1586/egh.11.47.

деган савол очик қолмоқда.¹² Яна бир долзарб масала ушбу усулларнинг тирик қолиш нуқтаи-назаридан самарадорлиги бўлиб қолмоқда.¹³ Масалан, Bañares R ва ҳаммуалифларнинг (2019) таъкидлашича, жигар функциясини протезлашнинг турли вариантлари яхши бошдан кечирилади, аммо рандомлаштирилган назорат остида ўтказилган текширувлар ALF ва ACLF бўлган беморларда тирик қолиш яхшиланганини кўрсатмади.¹⁴ Шунга кўра, жигар функциясини экстракорпорал протезлашнинг турли усулларидан фойдаланиш самарадорлигини асослаш учун клиник тадқиқотларни давом эттириш талаб қилинади.

Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, жигар етишмовчилигини даволашнинг асосий стратегияси жигарнинг бой берилган функцияларини жигарнинг ўз-ўзидан тикланиш эҳтимолига қадар ёки трансплантация қилинишга қадар давом эттиришдан иборат. Экстракорпорал детоксикация соҳасида замонавий тиббиётнинг ривожланиши беморларнинг ушбу ўта қийин контингентини муваффақиятли даволашга имкон беради. Жигар функциясини экстракорпорал протезлашнинг юқори технологик тизимларини қўллаш бўйича тўпланган тажриба эса, улардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш, улар учун принципиал бўлган клиник ҳолатларни муайянлаштириш ва уларни жадал муолажалар комплексига киритиш усуллари ва муддатларини мақбуллаштириш бўйича изланишларни давом эттиришга имкон беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази” ДМ ва С.Д.Асфендияров номидаги Қозоқ Миллий тиббиёт университети илмий-тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жигар функциясини комплекс протезлашга нисбатан услубий ёндашувларни такомиллаштириш орқали келиб чиқиши турлича бўлган ўткир жигар етишмовчилигини даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

альбумин диализи (MARS) ва гемодиофльтрация (ГДФ) сеансларини ўтказишда гепатоцитлар функцияси ўрнини босувчи протезлашнинг самарасини омиллар бўйича таҳлилини ўтказиш;

ўткир жигар етишмовчилигининг типи ва оғирлигига қараб MARS ва ГДФ ўтказишда ўлим кўрсаткичларини ўрганиш;

комплекс экстракорпорал детоксификация пайтида қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари динамикасини қиёсий жиҳатдан ўрганиш;

¹² García Martínez JJ, Bendjelid K. Artificial liver support systems: what is new over the last decade?. Ann Intensive Care. 2018;8(1):109. Published 2018 Nov 15. doi:10.1186/s13613-018-0453-z.

¹³ Tan EX, Wang MX, Pang J, Lee GH. Plasma exchange in patients with acute and acute-on-chronic liver failure: A systematic review. World J Gastroenterol. 2020;26(2):219–245. doi:10.3748/wjg.v26.i2.219

¹⁴ Bañares R, Ibáñez-Samaniego L, Torner JM, et al. Meta-analysis of individual patient data of albumin dialysis in acute-on-chronic liver failure: focus on treatment intensity. Therap Adv Gastroenterol. 2019;12:1756284819879565.

гемостаз тизимидаги бузилишларда жигарнинг зарарсизлантириш функциясини таклиф этилаётган усулда протезлашнинг самарасини аниқлаш; ўткир декомпенсацияланган жигар етишмовчилиги синдроми устун бўлган оғир ҳолатлар вазиятида хужайранинг иммунитет ҳолатини ўрганиш; гепатоцитлар функциясини комплекс протезлашнинг хужайра иммунитетининг динамик кўрсаткичларига ва антигенбоғловчи лимфоцитларнинг жигар ва мия тўқималарига таъсирини ўрганиш;

прогнозни баҳоловчи ихтисослашган кўп параметрли тизимлар бўйича ўткир жигар декомпенсацияси ҳолатида бир неча функционал аъзолар фаолияти бузилишининг оғир кечишини ўрганиш;

экстракорпорал детоксификацияга нисбатан таклиф этилаётган комплекс ёндашувнинг самарасини жигарнинг ўткир етишмовчилигида тирик қолиш нуқтаи-назаридан баҳолаш;

ўткир жигар етишмовчилиги типига қараб патоморфологик аломатлар даражасини морфологик баҳолашни ўтказиш;

ўткир жигар етишмовчилигининг субкомпенсацияланган кечишида альбумин диализининг тавсия этилган усулининг самарасини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2011-2020 йилларда Дипломдан кейинги таълим институтининг тез тиббий ёрдам курсига эга Анестезиология ва реанимация кафедраси ва С.Д.Асфендияров номидаги Қозоғистон миллий тиббиёт университети билан ҳамкорликда “Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий тиббиёт маркази” ДМ ва Олма-ота шаҳрининг 4-сонли шаҳар клиник касалхонасида ўткир жигар етишмовчилиги билан даволанган 186 нафар бемор хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети турли хил клиник ва биокимёвий аломатлар динамикасида текширишни, этиологик омилга ва ихтисослаштирилган жадал муолажа дастурига қараб, асосий жараённинг оғирлигини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, ўткир гепатоцеллюляр етишмовчиликда жигар функциясини экстракорпорал протезлашни комплекс қўллаш самарасини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: умумий клиник (умумий ва биокимёвий қон таҳлиллари, коагулограмма), махсус (иммунгистокимёвий, морфологик) ва статистик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

ўткир декомпенсацияланган жигар етишмовчилигининг клиник ва биокимёвий параллеллари гепатоцитларнинг функционал депрессияси даражасини текшириш билан детоксификация, цитоллиз синдромлари, холестааз ва мезенхимал-яллиғланиш реакциясининг ўзига хос маркерларининг патологик ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

детоксификация функциясининг тизимли комплекс протезлаш ҳисобига жигарни фаол алмашинувдан вақтинча узилиб қолиши, ўткир гепатоцеллюляр етишмовчиликка хос бўлган гемостаз тизимида ўзига хос бузилишларга яққол тузатувчи таъсир кўрсатиши аниқланган;

турли этиологияли ўткир декомпенсацияланган жигар етишмовчилигининг ривожланиши Т- ва В-лимфоцитлар популяцияси таркибининг ўзига хос пасайиши ва иммун тизимининг супрессияси билан бир неча функционал аъзоларнинг эндоген интоксикацияси шароитида иккиламчи иммунитет танқислиги шаклланишига сабаб бўлиши исботланган;

бир неча функционал аъзолар етишмовчилиги ҳолатида гепатоцитлар функциясини комплекс протезлаш жигар ва мия тўқималарига антигенбоғловчи лимфоцитларнинг патологик ҳосилаларининг регрессияси билан тавсифланади, ва шунга мос равишда уларнинг ушбу тузилмалардаги деструкция ва некроз жараёнларига таъсирини камайтириши аниқланган;

жигарнинг ўткир функционал декомпенсациясида бир неча функционал аъзолар дисфункцияси намоён бўлишининг патогенетик хусусиятлари комплекс жадал муолажанинг турли вариантлари шароитида ҳолатнинг оғирлик даражасини ва касаллик прогнозини махсус кўп параметрли текшириш тизимлари кўрсаткичларини динамик баҳолаш билан аниқланган;

гепатоцитлар дистрофиясининг турли вариантлари, некроз ва фиброз оғирлигининг гистологик кўрсаткичи ўткир жигар етишмовчилигининг типига қараб намоён бўлиш даражасига жигар функциясини комплекс протезлаш таъсирининг патоморфологик хусусиятлари аниқланган;

гепаторенал синдромнинг ёндош аломатларисиз жигар етишмовчилигида экстракорпорал детоксификация қилиш учун альбуминнинг 2% концентрациясига асосланган диализловчи эритманинг перфузиясини қўллаган ҳолда гемодиафилтрация усули такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гепатоцитлар функциясини ўрнини босувчи протезлашнинг турли вариантларини алоҳида қўллашнинг ўткир декомпенсацияланган жигар етишмовчилигининг оғир кечиши асосий клиник ва биокимёвий маркерларига (интоксикация, цитолиз, холестаза, яллиғланиш, иммун тизимининг ва гемостазнинг бузилиши) таъсирининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

экстракорпорал детоксификация ва қонни фотомодификация қилиш усуллариининг комбинацияси интоксикация, цитолиз, холестаза ва мезенхимал-яллиғланиш реакцияси маркерлари регресси билан гепатоцитларнинг асосий функцияларини мультифокал алмаштириш ҳисобига ўткир декомпенсацияланган жигар етишмовчилигини комплекс даволаш сифатини сезиларли даражада яхшиланишига ёрдам бериши исботланган;

ўткир гепатоцеллюляр етишмовчиликда детоксификация функциясининг тизимли комплекс протезлаш ҳисобига жигарни фаол алмашинувдан вақтинча узиб қўйиш ўзига хос геморрагик асоратларни ривожланиш хавфини камайиши билан гемостаза бузилишлари тўлиқ тузатувини тез ва самарали ўтказишга имкон бериши аниқланган;

Т- ва В-лимфоцитлар популяциясини тиклаш билан гепатоцитлар функциясини иккиламчи иммунитет танқислиги регресс даражасига таъсирини аниқлаш билан бирга ўткир декомпенсацияланган жигар етишмовчилигида хужайра иммунитетини ҳолати аниқланган;

Ўткир декомпенсацияланган жигар етишмовчилиги синдроми кўпроқ учрайдиган оғир ҳолатларда гепатоцитлар функциясининг комплекс протезлаш жигар ва мия тўқималарига антигенбоғловчи лимфоцитлар ҳосил бўлишини, улар патологик таъсирининг фаоллик даражасини нисбатан тезроқ бостириш билан сезиларли даражада пасайишига ёрдам бериши исботланган;

жадал муолажа комплексига жигар функциясини кўпкомпонентли протезлаш усулининг қўшилиши экстракорпорал детоксификация натижаларини касаллик оқибатини махсус балл тизимлари бўйича баҳолаш воситасида тасдиқланган бир неча функционал аъзолар етишмовчилиги аломатларининг нисбатан эрта регресси билан яхшиланиши таъминлангани аниқланган;

экстракорпорал детоксификацияга комплекс ёндашувнинг бир неча функционал аъзолар дисфункциясининг регресс кўрсаткичини ошириш, ўлим ҳолатларини камайтириш ва ўткир жигар етишмовчилиги типига қараб тирик қолганларнинг кумулятив улушини ўсиши нуктаи-назаридан афзалликлари очиқ берилган;

жигар функциясини комплекс протезлашнинг гепатоцитлар дистрофияси, некроз ва фибрознинг оғирлик даражаси гистологик кўрсаткичи каби патоморфологик аломатларининг фаоллик даражасининг регрессиясига таъсири исботланди, бу регенерация жараёнларини рағбатлантириш билан боғлиқ;

гепатоцитлар функциясини 2% альбумин эритмасини қўллаш орқали экстракорпорал алмаштириш усули таклиф қилинган бўлиб, бу келиб чиқиши турлича бўлган жигар етишмовчилигининг субкомпенсацияланган тарзда кечишида самарали детоксикацияни таъминлашга имкон берган;

гепатоцеллюляр дисфункция тури ва ўлим хавфини прогностик баҳолаш билан асосий патологик жараённинг оғир кечиш даражасини ҳисобга олишга асосланган экстракорпорал детоксификациянинг мақбул усулини танлаш алгоритми такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморлар аҳволини баҳолашнинг объектив мезонлари, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари, статистик таҳлилнинг услубий ёндашувлари ва тўпламларини тўғри қўллаш орқали асосланган. Тадқиқот етарли миқдордаги клиник материал билан ўтказилди. Диссертацияда кўриб чиқилган муаммоларни ҳал қилиш усуллари ЎЖЕ бўлган беморларнинг ташхисланиши ва жадал муолажасига нисбатан замонавий илмий-амалий тасаввурлар ва ёндашувларга асосланган. Кўриб чиқилган муаммоларни ҳал этиш тиббий статистиканинг замонавий синалган усуллари билан амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулосалар ва таклифлар ўз назарий аҳамиятига эгаллиги билан тавсифланади, улар детоксификациянинг ўзига хос маркерларини патологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек ушбу кўрсаткичларга жигар функциясини комплекс протезлаш усулини ўз ичига олган жадал муолажа ихтисослаштирилган дастурининг

таъсирини баҳолаш ҳисобига гепатоцитларнинг функционал депрессия даражасининг тасдиқланганлиги билан ўткир декомпенсацияланган жигар етишмовчилиги ривожланишининг патогенетик жиҳатларини ўрганишга катта ҳисса қўшади.

Ишнинг амалий аҳамияти гепатоцитлар функциясини алмаштириб протезлашнинг турли хил вариантлардан ажратилган ҳолда қўллашнинг ўткир декомпенсацияланган жигар етишмовчилигининг асосий клиник ва биокимёвий маркерларга ўзига хос таъсирини аниқлашдан иборат, бу гепатоцеллюляр дисфункция турини ва асосий патологик жараённинг оғир кечишини ҳисобга олишга асосланган экстракорпорал детоксификациянинг мақбул усулини танлаш алгоритмини такомиллаштиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўткир жигар етишмовчилиги бўлган беморларга кўрсатилаётган юқори технологик ёрдам сифатини яхшилаш бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаларига кўра:

“Жигар функциясини комплекс экстракорпорал протезлаш ва ўткир жигар етишмовчилигида интенсив даволаш” услубий тавсиялари ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 8н-з/180-сонли маълумотномаси). Гепатоцеллюляр дисфункция турини ва ўлим хавфини прогностик баҳолаш билан асосий патологик жараённинг оғир кечиш даражасини ҳисобга олишга асосланиб ишлаб чиқилган жадал муолажа алгоритми даволаш ва диагностика тактикасини мақбуллаштириш ва ўлим даражасини пасайтиришга имкон берди;

ўткир жигар етишмовчилиги бўлган беморларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлашнинг амалий фаолиятига, хусусан, академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий тиббиёт марказида, Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида, 7-сонли Олмаота шаҳри клиник касалхонасида (Қозоғистон Республикаси) жорий этилди. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 8н-з/180-сонли маълумотномаси). Ўткир декомпенсацияланган жигар етишмовчилигида экстракорпорал детоксификацияга комплекс ёндашувни қўллаш бир неча функционал аъзолар фаолияти дисфункциясининг регресс кўрсаткичини 51,2% дан 74,6% гача оширишга имкон берди, ўлим кўрсаткичини 47,8% дан 25,4% гача камайтиришга, шу билан бирга 30 суткагача бўлган муддатда тирик қолганларнинг жами улуши асорат турига қараб ALF да 69% дан 88,4% гача ва ACLF да 23,5 дан 53,6% гача кўтариш имконини берган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий, шу жумладан 4 та халқаро ва 3 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, жумладан, 10 та мақола, улардан 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, етти боб, якуний қисм, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Илмий иш ҳажми 200 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланади, объектлар ва предметлар тавсифланган, тадқиқотнинг республика илм-фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар очиқ берилган.

“Келиб чиқиши турлича бўлган ўткир гепатоцеллюляр етишмовчилигини даволашда қарашлар эволюцияси ва замонавий тенденциялар” деб номланган биринчи бобда урта кичик бобдан иборат адабиётлар шарҳи келтирилган, унда таснифлаш мезонлари, ўткир жигар етишмовчилиги ривожланишининг этиологик ва патогенетик жиҳатлари, унинг клиник кечишининг ўзига хос хусусиятлари, турли экстракорпорал детоксификация усулларининг батафсил тавсифи билан аъзоларни алмаштиришнинг замонавий тенденциялари ва принципларига доир масалалар акс эттирилган.

“Материалнинг клиник хусусиятлари ва қўлланилган тадқиқот усуллари” деб номланган иккинчи боб беморларни тавсифлашга, шунингдек қўлланилган тадқиқот усулларига бағишланган. Диссертация тадқиқотлари С.Д.Асфендияров номидаги Қозоқ миллий тиббиёт университети - шошилич тез ёрдам курсига эга Анестезиология ва реаниматология кафедраси, Олма-ота шаҳри 4-сонли шаҳар клиник касалхонасининг клиник материаллари билан Дипломдан кейинги таълим институтининг (Қозоғистон Республикаси) ва “Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий тиббиёт маркази” ДМ - реанимация ва жадал муолажа бўлинмаси ўртасидаги халқаро ҳамкорликка асосланган кўп марказли таҳлил доирасида бажарилган.

Тадқиқотга 2011-2020 йилларда ЎЖЕ дан даволанган 186 нафар беморга экстракорпорал детоксификациянинг турли усуллари билан фойдаланган ҳолда жадал муолажа қилиш натижалари киритилган. Илмий изланиш асосига икки йўналиш қўйилган:

биринчи йўналиш - ўткир декомпенсацияланган жигар етишмовчилигида жигар детоксификация функциясига нисбатан тизимли протезлашни қўллаш самарасини баҳолаш. Ушбу тадқиқот икки гуруҳга бўлинган 117 нафар беморни қамраб олди. Асосий гуруҳга 71 нафар бемор киритилган, уларнинг 43 нафари жигарида сурункали диффуз жараёни бўлмаган ЎЖЕ аниқланган, жигар циррози (ACLF) шароитида 28 нафар бемор аниқланган. Таққослаш гуруҳига ҳам ЎЖЕ типини бўйича тақсимланган 46 нафар бемор киритилган: ALF - 29 нафар бемор ва ACLF - 17 нафар бемор;

иккинчи йўналиш - келиб чиқиши турлича бўлиб, жигар етишмовчилиги субкомпенсацияланган кўринишда кечганда 69 нафар беморда гепатоцитлар

функциясини экстракорпорал ўрнини қоплаш учун Single pass albumin dialysis (SPAD) принципига асосланган, такомиллаштирилган гемодиализация (ГДФ) усули самарасини баҳолаш. Тавсия этилган SPAD усули жадал муолажа комплексига киритилиб ЎЖЕ типига қараб тақсимланган 38 нафар бемор даволанди: ALF - 18 нафар бемор ва ACLF - 20 нафар бемор. Ушбу тадқиқот учун дастлаб фақат жадал муолажа ўтказилиб, таққослаш гуруҳига ЎЖЕ ўртача оғирлик даражасида кечган 31 нафар бемор, ALF билан 13 нафар бемор ва ACLF билан 18 нафар бемор киритилган.

Тадқиқотнинг биринчи йўналишидаги асосий гуруҳнинг ўзига хос хусусияти қуйидаги усуллардан иборат жигарни детоксификация функциясини тизимли протезлашнинг жадал муолажалар мажмуасига киритилганлиги эди:

- MARS аппарати (Gambro, Германия) да альбумин диализ усулларини кетма-кет қўллаш билан экстракорпорал детоксификация, Multifiltrate (Fresenius, Германия) аппаратида гемодиализация (ГДФ), Haemonetics (АҚШ) аппаратда плазмаферез. Таққослаш гуруҳида, жадал муолажа мажмуасида, 24 нафар беморда MARS ва 22 нафар беморда ГДФ услубиёти ажратилган ҳолда қўлланилган.

- “Матрикс-ВЛОК” (Adamant Group, Қозоғистон) лазер муолажаси аппаратида томир ичидаги қонни лазерда нурлантириш (ВЛОК) услубиётини кетма-кет қўллаш билан экстракорпорал детоксификация ва нур таратувчи МС-ВЛОК-365 каллакли “Матрикс-ВЛОК” аппаратида қонни ультрабинафша нурлантириш. Лазер муолажасини киритишдан асосий мақсад жигар детоксикация функциясини комплекс протезлаш самарасини кучайтириш эди.

Беморларнинг ЎЖЕ оғир кечадиган этиологик омил бўйича тақсимланиши: токсик гепатит - 15,5%; ўткир вирусли гепатит Б - 6,5%; жигар циррози - 37,0%, сепсис - 10,9%; абдоминал сепсис - 21,7%; куйиш касаллиги - 8,7%. Субкомпенсацияланган ЎЖЕ да жигар паренхимасининг зарарланиш сабаблари қуйидагилар бўлди: токсик гепатит - 16,1%; ўткир вирусли гепатит Б - 19,4%; жигар циррози - 41,9%, кардиожарроҳлик амалётидан кейинги БНФАЕ нинг ривожланиши - 22,6%. ЎЖЕ аёлларга 83 (44,6%) нисбатан эркакларда 103 (55,4%) кўпроқ учраши қайд этилган. Энг катта фоизни меҳнатга лаёқатли одамлар ташкил этган.

Диссертациянинг “Ўткир декомпенсацияланган жигар етишмовчилигида экстракорпорал детоксификация турли усулларининг самарасини омиллар бўйича таҳлил қилиш” деб номланган учинчи бобида альбумин диализи ва гемодиализация усулларининг асосий клиник - биокимёвий кўрсаткичларга ва ЎЖЕ да организмнинг бир неча функционал аъзолари фаолияти бузилишининг таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган. Қонда умумий билирубиннинг пасайиши динамикасига кўра, MARS қўлланилганидан кейинги 5-чи сутканинг ўзида ГДФ билан таққослаганда ушбу кўрсаткичнинг сезиларли пасайиши қайд этилди. Барча динамик параметрлар 1-жадвалда акс этирилган.

Детоксификация функцияси кўрсаткичларининг динамикаси

| Кўрсаткич | Қиймат | Кун | | | | |
|-------------------------------|-----------------------------------|-----------|--------|--------|--------|-------|
| | | Бошланғич | 3 | 5 | 7 | 10 |
| ГДФ | | | | | | |
| Умумий билирубин, мкмоль/л | М | 344,2 | 332,6 | 306,8 | 275,5 | 221,5 |
| | δ | 65,6 | 81,3 | 75,8 | 69,7 | 60,2 |
| Қон сийдикчил, ммоль/л | М | 23,4 | 20,8 | 19,3 | 17,1 | 15,4 |
| | δ | 9,3 | 6,4 | 6,2 | 5,5 | 5,2 |
| Креатинин, мкмоль/л | М | 341,2 | 325,6 | 252 | 241,5 | 188,5 |
| | δ | 117,1 | 107,8 | 87,8 | 67,8 | 54,9 |
| Аммиак, ммоль/л | М | 141,3 | 137,5 | 125,6 | 116,4 | 108,6 |
| | δ | 64,2 | 59,3 | 55,2 | 45,4 | 35,7 |
| АЛТ | М | 1824,6 | 1762,6 | 1658,2 | 1263,5 | 825,3 |
| | δ | 487,4 | 399,3 | 334,3 | 223,2 | 94,9 |
| АСТ | М | 1591,8 | 1552,6 | 1495,3 | 1443,5 | 965,4 |
| | δ | 451,2 | 355,2 | 336,7 | 256,3 | 130,5 |
| СРО, мг/л | М | 106,8 | 89,1 | 77,2 | 57,8 | 40,9 |
| | δ | 42,1 | 33,8 | 30,2 | 27,0 | 22,5 |
| INR | М | 1,9 | 1,9 | 1,8 | 1,8 | 1,5 |
| | δ | 1,0 | 1,5 | 1,0 | 1,3 | 0,4 |
| MARS | | | | | | |
| Умумий билирубин, мкмоль/л | М | 378,4 | 358,4 | 322,2 | 253,9 | 171,6 |
| | δ | 65,2 | 70,6 | 65,7 | 58,5 | 47,9 |
| Қон сийдикчил, ммоль/л | М | 25,2 | 24,1 | 22,7 | 21,2 | 19,8 |
| | δ | 8,0 | 6,9 | 7,2 | 5,8 | 5,2 |
| Креатинин, мкмоль/л | М | 346,5 | 352,4 | 316,4 | 310,6 | 273,8 |
| | δ | 108,3 | 94,4 | 90,3 | 66,8 | 50,1 |
| Аммиак, ммоль/л | М | 152,4 | 125,5 | 108,9 | 86,5 | 79,2 |
| | δ | 62,9 | 47,2 | 38,9 | 36,3 | 28,4 |
| АЛТ | М | 1972,6 | 1665,9 | 1257,6 | 1041,9 | 403,2 |
| | δ | 493,9 | 327,7 | 245,1 | 160,4 | 77,1 |
| АСТ | М | 1603,5 | 1492,6 | 1408,8 | 1184,6 | 455,4 |
| | δ | 415,6 | 299,2 | 284,4 | 193,0 | 95,8 |
| СРО, мг/л | М | 112,4 | 101,8 | 94,5 | 79,7 | 62,4 |
| | δ | 38,5 | 33,5 | 32,2 | 29,3 | 23,9 |
| INR | М | 46,1 | 41,3 | 53,6 | 58,2 | 63,3 |
| | δ | 14,1 | 10,1 | 11,2 | 11,1 | 9,0 |
| Шарҳ: | Бошланғичга нисбатан ишончли эмас | | | | | |
| | Бошланғичга нисбатан ишончли | | | | | |

INR индикаторининг сезиларли яхшиланиши фақат MARS ни 10-чи кун қўллагандан сўнг қайд этилган, бу пайтда протромбин индекси (ПТИ) кўрсаткичи MARS ни қўллаганидан кейинги 7-чи кун, ГДФ дан кейин эса 10-чи куни сезиларли яхшилана бошлади.

Гепатоцитлар функциясини ўрнини босувчи протезлаш хусусиятларини омиллар бўйича таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ЎЖЕ да интоксикация ва цитоллиз синдроми патологик маркерларининг регресси MARS ни ўтказишда яққол сезилади, ГДФ учун эса яллиғланиш жараёни ва иммун тизимининг

бузилиши кўрсаткичларини, шунингдек буйрак дисфункциясининг айрим маркерларини тузатишга таъсир қилади, ўз навбатида, гемостазнинг баъзи параметрларининг яхшиланиши тенг самара билан тавсифланди. Ушбу икки усулни таққослашни батафсиллаштириш мақсадида беморлар дастлабки ҳолатининг оғирлиги ва ўтказилаётган жадал муолажа самарасини баҳолаш учун кўпинча реанимация ва трансплантологияда қўлланиладиган интеграл шкалалар (APACHE II, SOFA, Glasgow Scoring System, MELD) ишлатилди. MARS қўлланигандан кейин APACHE II, SOFA ва MELD бўйича баҳоланган бошланғич кўрсаткичларнинг сезиларли яхшиланиши 5-чи кундан бошлаб қайд этилган, ГДФ дан кейин эса бу кўрсаткичлар фақат 7-10-чи суткада сезиларли яхшиланди. MARS қўлланигандан кейин, Glasgow Scoring System шкаласи бўйича баҳолаш мезонлари 5-чи суткада, ГДФдан кейин 7-чи суткада яхшиланди (2-жадвал).

2-жадвал

Беморлар аҳолининг оғирлик даражасини баҳолаш шкалалари бўйича баллар динамикаси

| Кўрсаткич | Қиймат | Кун | | | | |
|------------------------------|-----------------------------------|-----------|------|------|------|------|
| | | Бошланғич | 3 | 5 | 7 | 10 |
| ГДФ | | | | | | |
| APACHE II, балл | М | 22,7 | 22,1 | 20,2 | 16,8 | 14,6 |
| | δ | 3,9 | 4,6 | 4,3 | 3 | 2,2 |
| SOFA, балл | М | 11,5 | 11,2 | 10,6 | 9,8 | 8,9 |
| | δ | 2,8 | 2,3 | 2,4 | 2,1 | 1,9 |
| Glasgow Scoring System, балл | М | 9,2 | 9,4 | 9,6 | 10,2 | 10,9 |
| | δ | 2,1 | 1,7 | 1,9 | 1,6 | 1,4 |
| MELD, балл | М | 29,3 | 29,1 | 28,3 | 27,4 | 25,3 |
| | δ | 4,2 | 3,9 | 4,2 | 3,6 | 3,1 |
| MARS | | | | | | |
| APACHE II, балл | М | 23,4 | 20,7 | 17,1 | 14,3 | 11,1 |
| | δ | 4,1 | 5 | 4,7 | 3,6 | 2,6 |
| SOFA, балл | М | 12,6 | 11,6 | 9,5 | 8,9 | 7,4 |
| | δ | 3,2 | 2,7 | 2,8 | 2,9 | 2,5 |
| Glasgow Scoring System, балл | М | 9,1 | 9,2 | 9,8 | 11,1 | 12,1 |
| | δ | 2,1 | 1,5 | 1,7 | 1,8 | 1,6 |
| MELD, балл | М | 31,8 | 29,8 | 26,7 | 23,7 | 20,8 |
| | δ | 4,6 | 3,5 | 3,9 | 3,4 | 2,7 |
| Шарҳ: | Бошланғичга нисбатан ишончли эмас | | | | | |
| | Бошланғичга нисбатан ишончли | | | | | |

Шуни таъкидлаш керакки, MARS ўтказиш ҳолатида 8 (33,3%) беморда ўЖЕ ривожланди, 7-тадан (29,2%) ҳолат нафас олиш, буйрак ва юрак-қон томир етишмовчилигининг ўсишига тўғри келади, 5 нафар (20,8%) беморда ДВС синдроми ва 6 нафар (25,0%) беморда сепсис бўлган. ГДФ ўтказиш ҳолатида 11 (50,0%) беморда ўЖЕ ўсди, 8 тадан (36,4%) ҳолат нафас олиш ва юрак-қон томир етишмовчилигининг ўсишига тўғри келди, 9 (40,9%) нафар беморда буйрак етишмовчилигининг ўсиши кузатилди, 7 (31,8%) нафар беморда - ДВС синдроми ва 3 (13,6%) нафар беморда - сепсис қайд этилди.

Жами MARS қўллаш ҳолатида 14 (58,3%) нафар беморда ЎЖЕ регресси ва ГДФ қўллаш ҳолатида 10 (45,5%) нафар беморда ЎЖЕ регресси қайд этилган. Таққосланган гуруҳларда ЎЖЕ ва БНФАЕ дан кейин ўлим кўрсаткичини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, MARS қўлланган гуруҳдаги беморларда 10 (41,7%) ва ГДФ гуруҳида 12 (54,5%) киши вафот этди. ЭКДС нинг турли хил вариантларидан сўнг ўлимнинг нисбатан тўлиқ градациясини ЎЖЕ типига ва MELD шкаласига доир балларга боғлиқлик кўрсаткичи бўйича кузатиш мумкин. Шундай қилиб, MELD шкаласи бўйича жами 25-30 балл бўлганда, ЎЖЕ да MARS қўлланилгандан кейин ўлим кузатилмади, ACLF да эса ўлим 50.0% ҳолатда қайд этилди. MELD бўйича ушбу градацияда умумий ўлим 22,2% ни ташкил этди. MELD 31-35 балл бўлганда ALF синдромида MARS қўлланилган ҳолатда ўлим 33,3% ни, ACLF синдромида эса 66,7% ни ташкил этди. Шу билан бирга, MELD бўйича ушбу градацияда умумий ўлим даражаси 44,4% ни ташкил этди. MELD >35 балл бўлганда, ALF синдромида MARS қўлланилган ҳолатда ўлим даражаси 50.0% ни, ACLF синдромида эса 100% ни ташкил этди. Шу билан бирга, MELD бўйича ушбу градацияда умумий ўлим даражаси 66,7% ни ташкил этди.

MELD шкаласи бўйича жами 25-30 баллни ташкил этган ҳолда, ALF да ГДФ қўлланилгандан сўнг ўлим қайд этилмаган, ACLF да 66,7% ўлим ҳолатлари қайд этилган. MELD бўйича ушбу градацияда умумий ўлим даражаси ГДФ ҳолатида 22,2% ни ташкил этди. MELD 31-35 балл оралиғида бўлганда, ALF бўлган беморларда ГДФ ҳолатида ўлим 50.0% ни, ACLF бўлган беморларда эса 100% ни ташкил этди. Шу билан бирга, MELD бўйича ушбу градацияда умумий ўлим даражаси 70,0% ни ташкил этди. MELD > 35 балл бўлганда ALF ва ACLF бўлган беморларда ГДФ ҳолатида ўлим 100% ни ташкил қилган.

“Жигар функцияларини комплекс протезлаш ва ўткир жигар етишмовчилигида жадал муолажанинг умумий тамойиллари” деб номланган диссертациясининг тўртинчи бобида жигар детоксификация функциясини тизимли комплекс протезлаш усуллари ва босқичларига бағишланган. Протезлаш анъанавий жадал муолажа шароитида экстракорпорал детоксификация (альбумин диализи ва гемодиализация) ва гемокрекция (томир ичидаги қонни лазер нурланиши ва қоннинг ультрабинафша нурланиши) усуллари кетма-кет қўллаш орқали амалга оширилди. Кўрсатилган усуллари кетма-кет қўллаш авваломбор уларни алоҳида ўтказиш етарли даражада самарали эмаслиги билан боғлиқ. Санаб ўтилган усуллари ягона ўрин босувчи муолажа комплексига бирлаштирган асосий омил - бу уларнинг ўзаро бир-бирини тўлдириши ва қонда айланиб юрадиган токсинларни кенг қамраб олиши ва фермент тизимларининг функционал ҳаётлигини тиклашга ва жигар хужайраларининг тикланишига олиб келадиган компенсатор-адаптив механизмларни рағбатлантириш хисобланади.


Усул қуйидагича амалга оширилади. Клиник, лабораториявий ва инструментал текшириш усуллари комплекс таҳлил қилиш асосида ташхис қўйилиб, аҳволнинг оғирлиги баҳолангандан сўнг, ивиш омиллари ва

плазма ўрнини босувчи манба ҳисобланган айланма қон ҳажмини бир вақтнинг ўзида донорнинг бир гуруҳли янги музлатилган плазмаси билан 1/1 - 1/1,5 нисбатда тўлдириш билан қондан юқори молекуляр токсинларни йўқ қилиш учун мембранали плазмаферез (ПФ) ўтказилади - беморда 1 литргача плазма АМПлд ТТ “Гемофеникс” аппаратида 40 дақиқа давомида мембрана усулида центрифугалаш орқали эксфузия қилинади, кейин альбумин диализи гемодиафилтрация комбинациясида уланади. Альбумин диализи (АлД) - MARS-муолажа сеанси MARS Monitor 1 TC аппаратида ҳамда “5008 C модели “Сунъий буйрак” аппаратида узайтирилган вено-веноз гемодиафилтрацияси (ГДФ) билан биргаликда амалга оширилади. Шундан (ПФ, АлД, ГДФ) кейин дезинтоксикация ва яллиғланишга қаршилик кўрсатиш мақсадида томирлар ичидаги қоннинг лазер нурланиши (ВЛОК) уланади - нурланиш тўлқин узунлиги 0,63 микрон (635 нм), нур ўтказгич учидаги нурланиш кучи 1,5-2 мВт, таъсир қилиш вақти бир сеансда 20 дақиқа, ва қонни ультрабинафша нурланиши (УБН) уланади - тўлқин узунлиги 365 нм, нур узатгич учидаги нурланиш қуввати 1,0 мВт, таъсир қилиш вақти 5 дақиқа. ВЛОК гемостаз кўрсаткичларини назорат қилиш ва 1 кунлик оралиқ билан 10 та процедура миқдорида ўтказилди. Жигарни детоксикация функциясини тизимли протезлашнинг бутун комплекси 3 цикл, 2 кунлик оралиқ билан ўтказилди.

Ўртача ЎЖЕ ҳолатларида, SPAD тизимида қўлланиладиган принципларга ўхшаш, диализловчи эритмада 2% альбумин эритмасини қўллаган ҳолда альбуминли диализ қўлланилди, уларнинг сеанслари “Multifiltrate” аппаратида бикарбонат буфери асосида стандарт қадоқланган стерил эритмалардан фойдаланган ҳолда ўтказилди. Ультрафилтрация модификацияланган SPAD вариантыда, Dialog+(B/BRAUN) аппаратида, Fresenius F 7 с типидagi диализловчидан фойдаланиб, 2,5 соатли сессия давомийлигида ўтказилди.

